



ЎЗБЕК ПРАГМАЛИНГВИСТИКАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Каримова Ферузахон Сайфуддиновна

ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори

институту катта илмий ходими,

Ўзбекистон Қуролли Кучлари Академияси катта ўқитувчиси,

филология фанлари бўйича

фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: Мақолада ўзбек тилшунослигидаги прагмалингвистика соҳасининг ривожига ва сўнгги ютуқлари ҳақида фикрлар баён этилган. Мазкур соҳа ривожига ўз ҳиссасини қўшган олимлар тадқиқотларига тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: прагмалингвистика, пресуппозиция, дискурс, нутқий актлар, иллокутивлик.

Abstract: The article describes the development and recent achievements of the field of pragmalinguistics in Uzbek linguistics. The researches of scientists who contributed to the development of this field are discussed.

Key words: pragmalinguistics, presupposition, discourse, speech acts, illocution.


Аннотация: В статье рассказывается о развитии и последних достижениях области прагмалингвистики в узбекском языкознании. Обсуждаются исследования ученых, внесших вклад в развитие этой области.

Ключевые слова: прагмалингвистика, пресуппозиция, дискурс, речевые акты, иллокуция.

Ўзбек тилшунослигида сўнгги йилларда антропоцентризм парадигманинг таъсири барча соҳаларда намоён бўла бошлади. Прагмалингвистика, когнитив тилшунослик, психоллингвистика, социоллингвистикага оид тадқиқотларда антропоцентрик парадигма устуворлиги янада юқори босқичга кўтарилди. Ўзбек тилшунослигида тилни унинг соҳиби бўлган инсон ва у мансуб бўлган миллат маданияти ва дунёқараши билан бирга ўрганилиши жоизлиги илмий тадқиқотларда акс этган очиқ ҳақиқатга айланди.

Маълумки, антропоцентрик парадигма тилни нафақат структура, балки коммуникацияга асосланган очиқ тизим сифатида ўрганувчи, уни жамият, инсон, маданият, руҳият каби бошқа тизимлар билан алоқадорликда тадқиқ этувчи, инсонни тил ичида ёки тилни инсон ичида таҳлил этишга юналтирилган таълимотлар ва усуллар мажмуи ҳисобланади. Шу сабали жаҳон тилшунослигида сўнгги йилларда антропоцентризм йўналиши лисоний тизимга лингвистик ёндашувнинг бош мезонларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбек тилшунослигида тилшуносликнинг асосий соҳаларидан бири бўлган прагмалингвистикага оид назарий қарашлар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. XX асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб ўзбек тилшунослигида прагмалингвистик





тадқиқотларга бўлган эҳтиёж сезила бошлади. Натижада тилшуносликда синтактик ва семантик тадқиқотлар негизида прагмалингвистик йўналишга ҳам асос солинди. Ушбу йўналиш асосчилари сифатида А.Нурмонов ва Н.Маҳмудовнинг пресупозицияга бағишланган дастлабки тадқиқотларини келтириш ўринли бўларди.⁸Мазкур ишларни тилнинг белгилар системаси эканлиги, инчунун, унинг моҳияти ва вазифаси мантиқ илми билан чамбарчас боғлиқликда ўрганилмоғи зарурлиги таъкидланган ва ушбу жараёни инсон омили иштирокисиз амалга ошириб бўлмаслиги ўз тасдиғини топган тадқиқотлар сирасига киритиш мумкин.

Асримиз бошларига келиб ўзбек тилшунослигидаги прагмалингвистик тадқиқотларнинг назарий асослари ўзбек тилшуносларининг бир қатор асарларида ўз аксини топди. Жумладан, “Ўзбек прагмалингвистикаси асослари” монографиясида прагмалингвистиканинг вужудга келиш жараёни ва нутқий актлар масаласи кенг кўламда тадқиқ этилган.⁹ Монография муаллифининг кейинги ишларида мазкур соҳанинг ривож ва унинг назарий томонлари илмий жиҳатдан тўла асосланди. Хусусан, “Прагмалингвистика асослари” номли асарда нутқий акт назариясининг назариётчилари ва шу йўналишда қилинган ишларнинг илмий хроникаси батафсил ёритиб берилди.¹⁰ Прагмалингвистиканинг асосий тушунчаларидан бўлган дейксис назарияси, имплицатура бирликлари, нутқий акт назарияси, Ж.Остин ва Ж.Серль концепциясининг ўзига хос таснифлари, прагмалингвистика ва тилнинг бошқа сатҳлари билан ўзаро боғлиқлик масаласи, хусусан, прагмафонетика, лексопрагматика, морфопрагматика, прагмасинтаксис, прагмасемантик ва прагмастилистик белги ва хусусиятлар ҳақида атрофлича фикрлар баён этилган. Шунингдек, муаллифнинг матн назариясига оид қарашлари, илмий матннинг прагмалингвистик хусусиятлари сифатида илк бор қаламга олинган хусусий нейтрал ва хусусий эмоционал муносабат¹¹ ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари ўзбек тилшунослигида прагмалингвистик тадқиқотларнинг ривожланиб бораётганлигидан, шу билан бирга, янгидан-янги тадқиқотлар учун пойдевор кўйилганидан далолат беради. Ушбу асарда просодик воситаларнинг прагматик вазифалари ва хусусиятлари ҳақида ҳам дастлабки назарий фикрлар илгари сурилган.

Ўзбек тилшунослигида прагмалингвистиканинг назариётчиларидан яна бири Ш.Сафаров ҳисобланади.¹² Олимнинг тадқиқот ишларида, асосан, самарали мулоқот кафолатининг назарий пойдеворлари ва унинг босқичлари ҳам ғарбона, ҳам шарқона усуллар асосида тадқиқ этилган. Муаллифнинг

⁸Нурмонов А.Кўмакчилик конструкциялар пресупозицияси (-дан ташқари конструкцияси) // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – № 6. – Б. 42-45; Маҳмудов Н. Пресупозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – № 6. – Б. 28-31.

⁹Ҳақимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 172 б.

¹⁰Ҳақимов М., Газиева М. Прагмалингвистика асослари. Дарслик. – Фарғона, 2020. – 420 б.

¹¹Ҳақимов М. Кўрсатилган асар. – Б. 310-319.

¹²Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. – 285 б.





дейксис масаласи ҳамда унинг лингвистик ва фалсафий чегара нуқталари, инсон тафаккурининг борлиққа ва у тузаётган мулоқот матнига бўлган муносабатида дейктик белгиларнинг роли ҳақидаги қарашлари диққатга сазовордир. Айниқса, шахс дейксисига оид билдирилган фикрларда кишилиқ олмошларининг хусусиятлари ҳар бир миллатнинг миллий тафаккур мезонида ўлчаниши шартлиги алоҳида таъкидланади. Бу ҳолат мулоқот матнини интерпретация қилиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ўзбек тилшунослигида мазкур икки муаллифгача ва ундан кейин ҳам прагмалингвистика соҳасида бир қатор кичик, лекин анчайин салмоқли ишлар амалга оширилган. Улар сирасига У.Раҳимовнинг юкламалар прессупозициясига бағишланган кандидатлик диссертациясини,¹³ А. Пардаевнинг “Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматик таҳлили” номли монографиясини келтириш ўринли бўларди. У.Раҳимовнинг тадқиқотида юкламалар прессупозицияси, прессупозиция ва тағмаъно ўртасидаги фарқли ҳамда ўхшаш томонлар ёритилган бўлса, А.Пардаев ишларида прагматиканинг стилистика билан боғлиқ томонлари ҳақида фикрлар баён этилган. Мазкур ишлар ўзбек тилшунослигида прагматика соҳасининг оёққа туриши ва ривожда ўзининг маълум ҳиссасини қўшганлиги шубҳасиздир.

Асримиз бошларидаги тадқиқотлар ичидан болалар нутқини прагмалингвистик томондан ўрганишга эътибор қаратилди.¹⁴ Болалар нутқига илк бор прагмалингвистик ёндашилган мазкур ишда болалар нутқига хос нутқий актларнинг уларнинг психологик ҳолатлари ва ёш хусусиятлари билан боғлиқ тарзда кечиши асосланган. Тадқиқотда болалар нутқидаги савол жумлаларнинг кўп қўлланилиши улар оламига хос бўлган қизиқувчанлик, оламини билишга интилиш билан белгиланиши таъкидлаб ўтилади. Муаллиф ўз кузатишларига асосланган ҳолда болалар нутқида келтириладиган иллокутив актлар сирасига тасдиқ, сўроқ, илтимос, буйруқ, кечирим, истак, талаб кабиларни киритади ҳамда уларда катталар нутқида учрайдиган маслаҳат, киноявий тасдиқ, огоҳлантириш, ваъда актлари кам учрашини мисоллар билан далиллади.¹⁵ Олима болалар нутқидаги прагматик тўсиқни икки жиҳатдан фарқлайди: 1. Болалар нутқида прагматик тўсиқнинг юзага келиши. 2. Болалар томонидан ўзгалар нутқининг прагматик тўсиқ сифатида қабул қилиниши.¹⁶ Мазкур фарқланишда болалар ва катталар нутқининг лексик, ижтимоий ва когнитив томондан хосланиши эътиборга олинган. Айниқса, фразеологик бирликлар билан қўлланган нутқ орқали прагматик тўсиқнинг кўп учраши

¹³Раҳимов У. Ўзбек тилидаги юкламалар прессупозицияси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 120 б; Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматик таҳлили. – Тошкент: Фан, 2013. – 262 б.

¹⁴Қурбонова М. Ўзбек болалари нутқининг прагмалингвистик хусусиятлари. – Тошкент, 2018. – 160 б.

¹⁵Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри.. дисс. ... автореф., – Тошкент, 2018. – Б. 15.

¹⁶ Қурбонова М. Кўрсатилган автореферат. – Б. 16.





мактаб ёшидаги болалар нутқи орқали ёритиб берилгани муаммони ёритишда психологик ва когнитив ёндашувнинг прагмалингвистик тадқиқотлар учун ниҳоятда муҳимлигини кўрсатади.

Албатта, ўзбек тилшунослигида яна бир қатор ишлар мавжудки, улар у ёки бу даражада соҳани ёритишга ўз ҳиссасини қўшган. Биз томонимиздан номи зикр этилган тадқиқотлар прагмалингвистика соҳасининг ўзбек тилшунослигидаги дастлабки босқич ривожини белгилайди десак, тўғри бўларди. Ҳали бу соҳада қилиниши керак бўлган ишлар талайгина. Айниқса, мулоқот назарияси ва унинг вужудга келиш қонун-қоидаларини прагмалингвистик, психоллингвистик ва когнитив билимлар уйғунлигида тадқиқ этиш, прагмалингвистика билан бошқа соҳаларни, айниқса, бугунги кунда жуда долзарб бўлган социоллингвистика ва психоллингвистиканинг уйғунлигини таъминлаш ва бу борада қилинадиган ишларни режасини тузиш соҳани ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

XX аср охирларида ўзбек тилшунослигида когнитив тилшуносликка оид қарашлар ҳам шакллана бошлади.¹⁷ “Когнитив тилшунослик” номли тадқиқотда матннинг яхлитловчи семантик структурасини ташкил этувчи андозалар (онгдаги) сценарий, скрипт, фрейм, гештальт, прототип ва категориялаштириш ҳақида назарий фикрлар қайд этилган. Муаллифнинг лисоний-когнитив фаолиятнинг миллий-маданий хусуситлари ҳақидаги фикрлари тил ва маданият масалаларини ёритишда назарий пойдевор вазифасини ўтайди. Шу билан бирга ўзбек тилшунослигида мазкур йўналишдаги ишларнинг вужудга келишига туртки беради. Тил ва маданият масалаларининг бевосита тил ва тафаккур масалалари билан уйғунлашиши ўзбек миллий тилшунослигини бир даража юқори поғонага кўтарди, дейиш мумкин.


Хулоса қилиб айтганда, прагмалингвистик тадқиқотларда вербал коммуникация шахс характери, мақсади, миллати, ёши, жинси каби омилларга боғлиқ эканлиги ўзбек тили материаллари мисолида асослаб берилган.

Антропоцентрик парадигма ўзбек тилшунослиги тараққиётини таъминлаётган муҳим омил сифатида бошқа парадигмаларни инкор этмаган ҳолда ҳозирги вақтда кенг миқёсда риожланиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маҳмудов Н. Прессупозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – № 6. – Б. 28-31.

¹⁷Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 91 б.





2. Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси (-дан ташқари конструкцияси) // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – № 6. – Б. 42-45;
3. Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматик таҳлили. – Тошкент: Фан, 2013. – 262 б.
4. Раҳимов У. Ўзбек тилидаги юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 120 б.
5. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 91 б.
6. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. – 285 б.
7. Қурбонова М. Ўзбек болалари нутқининг прагмалингвистик хусусиятлари. – Тошкент, 2018. – 160 б.
8. Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри.. дисс. ... автореф., – Тошкент, 2018. – Б. 15-16.
9. Ҳақимов М., Газиёва М. Прагмалингвистика асослари. Дарслик. – Фарғона, 2020. – 420 б.
10. Ҳақимов. М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 172 б.

